


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyva - الماتريدية - Матуридизм



SLIB.UZ
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.org

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi 4

Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари 17

Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи 25

Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни 32

Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari 47

Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

ДИНШУНОСЛИК

Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари 62

Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи 83

Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти 97

Ikhtiyor B. ABDURAHMONOV,
Senior Research Fellow at the Imam Maturidi
International Scientific Research Center, PhD.
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: abdurahmonov.90@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/3

XI-XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА ХАНАФИЙ-МОТУРИДИЙ ТАФСИР МАКТАБИ РИВОЖИ

THE DEVELOPMENT OF THE HANAFI- MATURIDI TAFSIR SCHOOL IN TRANSOXIANA DURING THE 11TH-12TH CENTURIES

РАЗВИТИЕ ХАНАФИТСКО- МАТУРИДИЙСКОЙ ШКОЛЫ ТАФСИРОВ В МАВЕРАННАХРЕ В XI-XII ВЕКАХ

КИРИШ

Алоуддин Самарқандий XI асрнинг иккинчи ярми – XII асрнинг биринчи ярмида яшаган муфассир, фақиҳ олим. Бу даврда Хуросонда ва мусулмон ўлкаларнинг каттагина шарқий қисмида салжукийлар (429-485/1038-1092), Мовароуннахрда қорахонийлар (389-607/999-1212), ғазнавийлар (366-582/977-1186) ва хоразмшоҳ-ануштегинийлар (470-628/1077-1231) ҳукмрон эдилар. Салжукийлар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётган пайтда Мовароуннахр илгаригидек, қорахонийлар қўлида қолаверди.

Сомонийлар ҳукмронлигининг (261-389/875-999) сўнгги даврида Мовароуннахр ва Хуросон ўлкалари қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида тақсимлаб олина бошлади. Сомонийлар ҳукмронлиги қулаганидан сўнг кўп ўтмай бу минтақада ҳукмронликни қорахонийлар тўлиқ қўлга киритдилар. Қошғардан то Амударёгача бўлган худудни ўз ичига олган қорахонийлар давлати кейинчалик икки қисмга: маркази Болосоғун (кейинчалик Қошғар) бўлган Шарқий қорахонийлар давлати ва маркази Ўзган (кейинчалик Самарқанд) бўлган Ғарбий қорахонийлар давлатига бўлиниб кетди (Давидович Е.А., 1968:69). Улар мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш тизимини жорий қилдилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

XI-XII асрлар Мовароуннахрда ижтимоий-маънавий муҳит гуллаб яшнаган. Ушбу даврда ханафий мазҳаби, мотуридий таълимотига оид кўплаб асарлар ёзилган. Жумладан, бу даврда фикҳ, ҳадис, калом илми, тасаввуф ҳамда тафсир соҳаларида ёзилган асарлар Мовароуннахрнинг мусулмон оламидаги мавқеини янада юксалтирди.

XI-XII асрларга келиб, фикҳ илми ўзининг юксак тараққиётига етишди. Қорахонийлар даври фақиҳлари ҳақида илмий тадқиқот олиб борган туркиялик олим Ю.З.Қовокчи бу даврда уч юзга яқин фақиҳлар етишиб чиққани, йигирмадан ортик фатволар мажмуаси, уч юз эликдан ортик фикҳий асарлар яратилгани ва шулардан 98 % ханафий фикҳига оид эканини айтиб ўтади.

Шу билан бирга, мазкур даврда тасаввуф илми юксалиб, бир қатор тариқат пирлари ҳам яшаб, фаолият юритганлар. Хожа Абдулхолик Гиждувоний (ваф. 1179 й.) ва Шайх Аҳмад Яссавий (ваф. 1166-67 й.) каби тариқат асосчилари ва тарғиботчилари ҳам шу даврларда яшаб ўтганлар (Комилов М., 2006:25-26).

Мантиқ ва фалсафа борасидаги баҳсларда дин ақидасини ҳимоя қилиш йўлида калом илми билан шуғулланган кўзга кўринган мутакаллимлардан Абул Муин Насафий (1027-1114), Абу Ҳафс Умар Насафий (ваф. 537/1143), Алоуддин Ўсмандий (1095-1157), Алоуддин Самарқандий (ваф. 1145), Абу Сано Ломиший (ваф. 522/1128), Нуриддин Собуний (ваф. 1184) ва бошқа бир қатор машҳур олимларни мисол келтириш мумкин. Ушбу давр калом ва ақида илмлари ривож учун жуда муҳим босқич ўтаган. Уларнинг аҳли суннага оид ёзган асарлари ҳозирга қадар мотуридий таълимотининг муҳим манбалари сифатида дарслик қилиб ўқитиб келинади.

МУҲОКАМА

Мовароуннахрда тафсир илми XI-XII асрларга келиб анча тараққий этди. Бу даврда Мовароуннахр ва Хуросон ўлкаларида тафсирларнинг ёзилиши асосан икки сабабга кўра амалга ошди.

Биринчидан, Мовароуннахрда турли оқимлар Қуръон оятларини ўзларининг ақидалари учун бузиб талқин этишлари натижасида Қуръоннинг бошидан охиригача шарҳлаш зарурат туғилди.

Аннотация. Ушбу мақола XI-XII асрлардаги Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва унинг исломий илмларнинг, айниқса, Қуръон тафсири илмининг ривожига қандай таъсир кўрсатганини чуқур ўрганишга бағишланган. Мақоланинг асосий мақсади Алоуддин Самарқандий каби улғу олимлар ва у билан бир даврда яшаб ижод этган муфассирларнинг Қуръон тафсири ва бошқа исломий илмлардаги ҳиссаларини очиб беришидир. Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврида исломий таълимотлар, айниқса, Қуръон илмлари ва тафсир илмлари ўзининг илмий етуқлигига эришган. Бу жараёнда Алоуддин Самарқандий каби муфассирлар ва олимларнинг илмий мерослари муҳим ўрин тутди. Уларнинг фикҳ, калом, тасаввуф ва тафсир соҳаларидаги асарлари исломий фикрнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Тадқиқотда Алоуддин Самарқандийнинг асарлари чуқур таҳлил қилинган бўлиб, унинг услуби, ўзига хослиги, шарҳларининг илмий қиймати ва бу борадаги янги илмий ютуқлари ёритилган. Самарқандийнинг асарлари тафсир ва шарият илмининг ўзаро таъсирини кўрсатиб, унинг ижодий фаолияти нафақат Мовароуннахрда, балки бутун ислом оламида муҳим аҳамиятга эга экани кўрсатилган.

Мақола муаллифининг мақсади Қуръон илмларининг Мовароуннахрдаги ўзига хос ривожланишини кўрсатиб бериш ҳамда Алоуддин Самарқандийнинг илмий мероси орқали мазкур давр исломий фикрининг етуқлик даражасига эришганини очиб беришдан иборатдир.

Калим сўзлар: Алоуддин Самарқандий, қорахонийлар даври, Мовароуннахр тарихи, тафсир илми, Мотуридий таълимоти, XI-XII аср фикҳи, тасаввуф тарихидаги пирлар, Абул Муин Насафий, Абу Хафс Умар Насафий, Замахирийнинг тафсири.

Abstract. This article is dedicated to a comprehensive study of the socio-political environment in Transoxiana (Mawarannahr) during the 11th and 12th centuries and its influence on the advancement of Islamic sciences, particularly Quranic exegesis (tafsir). The article aims to highlight the contributions of eminent scholars like Alauddin Samarqandi, as well as other exegetes (mufassirs) of the era, to Quranic exegesis and other Islamic sciences. During the Karakhanid and Seljuk periods, Islamic education, especially in Quranic sciences and tafsir, reached a significant level of intellectual maturity. In this development, the scholarly legacy of exegetes and scholars such as Alauddin Samarqandi played a pivotal role. Their works in the fields of fiqh (Islamic jurisprudence), kalam (Islamic theology), tasawwuf (Sufism), and tafsir had a substantial impact on shaping Islamic thought. This study thoroughly examines the works of Alauddin Samarqandi, analyzing his unique style, the scientific value of his commentaries, and his pioneering achievements in the field. His works illustrate the synergy between tafsir and Sharia sciences, underscoring the significance of his intellectual contributions not only within Transoxiana but also throughout the broader Islamic world. The author's objective is to demonstrate the distinctive evolution of Quranic sciences in Transoxiana and to elucidate how Islamic thought of that period attained scholarly maturity through the intellectual legacy of Alauddin Samarqandi.

Keywords: Alauddin Samarqandi, Karakhanid Period, history of Transoxiana, tafsir studies, Maturidi teachings, fiqh of the 11th-12th Centuries, sufi saints in history, Abul Muin Nasafi, Abu Hafis Umar Nasafi, Zamakhshari's tafsir.

Аннотация. Данная статья посвящена глубокому исследованию социально-политической ситуации в Мавераннахре XI-XII веков и её влиянию на развитие исламских наук, в частности науки тафсира (толкования Корана). Основная цель статьи — выявить вклад таких выдающихся ученых, как Алауддин Самарканди, а также других муфассиров, живших и творивших в его эпоху, в развитие тафсира и других исламских наук.

В период правления караханидов и сельджуков исламские науки, особенно науки Корана и тафсира, достигли высокого уровня научной зрелости. В этом процессе особую роль сыграли научные наследия таких ученых, как Алауддин Самарканди. Его труды в области фикха (исламского права), калама (теологии), тасаввуфа (суфизма) и тафсира оказали значительное влияние на развитие исламской мысли.

В исследовании подробно анализируются труды Алауддина Самарканди, его методология, особенности, научная ценность его толкований и новые научные достижения в данной области. Труды Самарканди демонстрируют взаимодействие между тафсиром и шариятскими науками, и подчеркивают, что его творческая деятельность имела важное значение не только для Мавераннахра, но и для всего исламского мира.

Цель автора статьи — продемонстрировать уникальное развитие наук о Коране в Мавераннахре и показать, что благодаря научному наследию Алоуддина Самарканди, исламская мысль того времени достигла высокого уровня зрелости.

Ключевые слова: Алауддин Самаркандий, Эпоха Караханидов, история Мавераннахра, наука тафсира, учение Матуриди, фикх XI-XII веков, предводители в истории суфизма, Абул Муин Насафи, Абу Хафс Умар Насафи, тафсир Замахиари.

Иккинчидан, Қуръон тафсирига оид тарқок ҳолда бўлган ҳадислар, саҳобийлар ривоятлари ва шарҳларни бир жойда жамлаш даркор эди.

Бу иккиси бир-бирига боғлиқ сабаблар, чунки оятларни бузиб талқин этилиши оятнинг ҳақиқатда маъноси нима бўлиши лозимлигини келтириб чиқаради. Шунинг учун муфассирлар манбаларга асосланиб шарҳлашга эҳтиёж сездилар. Бу даврда бир нечта муфассир алломалар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг асарлари бизгача етиб келган. Ҳар бир муфассирнинг бу борадаги турлича услублари диққатга сазовор.

Бу даврдан бошлаб тафсирларда мўътабар манбаларга асосланиш чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда ривоят қилувчилар силсилаларини қисқартириб, тўғридан-тўғри ривоят қилувчининг ўзи зикр этилиб, ривоятларини келтириш услуби тарқала бошлади. Яна муфассирлар ўзларидан илгари ўтган олимларнинг сўзларини айтган кишиларнинг исмларини зикр этмасдан ҳам келтира бошладилар. Шу тариқа тафсирларга турли ривоятлар кириб, саҳиҳ ривоятларнинг иллатли ривоятлар билан аралаштириш ҳоллари юзага келди. Луғат, наҳв, сарф илмларининг тизимлаштирилиши натижасида Қуръонни шарҳлаш ҳам кенгая бошлади. Фикҳ ва каломга оид масалалар ихтилофларни келтириб чиқарди. Турли фирқалар мутаассибликка берилиб, кишиларни ўз ақидаларига чақира бошладилар. Айнан шу вақтда нақлий тафсирнинг ўрнини ақлий тафсир эгаллай бошлади. Лекин, оятларнинг нозил бўлиш сабабларига алоқадор ривоятлар мўътабар манбалардан олинишда давом этди.

XI-XII асрларда Қуръонни шарҳлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Илгариги даврдан фарқли равишда оятларни шарҳлашда олимлар қатор ривоятларни келтирмай, балки айрим ҳоллардагина уларни келтира бошладилар. Бундан Қуръонни шарҳлашда бутунлай ривоятлардан истифода этилмай қолди, деган фикр келиб чиқмайди. Олимлар илгари зикр этилган ривоятларни қайтармай, оят шарҳини ривоятлар мазмунига зид бўлмаган, балки мувофиқ келадиган тарзда ўз сўзлари билан шарҳлашга ўтдилар. Улар тафсир борасида олдинги асрда ёзилган Имом Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» асарини шарҳлашга эътибор қаратишларига кўра бу

даврда ақидавий масалалар бўйича ихтилофлар кўпайган. Шунинг учун олимлар ақидага оид оятларни талқин этишда мустаҳкам ақидавий тизим бўлмиш мотуридийлик таълимотига таянганлар.

XI асрда яшаган олимлардан Абул Муин Насафий (459-508/1067-1114)ни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг Имом Мотуридий таълимотини кенг ёйилишидаги ҳиссаси улкан (Абул Муин ан-Насафий, 2003:28). У Қуръондаги ақидавий оятларни чуқур мазмунини тушунган ва тўғри талқин этган. Бу борада Алоуддин Самарқандий ҳам тафсирга бағишланган асарининг кириш қисмида сўз юритиб, Имом Мотуридийнинг тафсирини ўзининг устози Абул Муин Насафий шарҳлаганини зикр этади: «Бу китобни усул ва фуру илмларида ўз замонасида тенги йўқ Абул Муин Насафий шарҳлаб бериб, лойик ўринларда қийин сўзларни тушунтириб, мутлақларини ажратиб берганида...» (Алоуддин Самарқандий, қўлёзма: № 3249). Демак, ақидавий масалаларни шарҳлаш жараёнида Насафий Мотуридий услубига таянган ҳолда Қуръонни шарҳлаган. Айтиб ўтиш жоизки, бу маълумот Насафийнинг Қуръонни тўлиқ шарҳламагани, балки тушуниш қийин ўринларга эътибор берганини кўрсатиб беради.

Абул Муин Насафийдан кейин – XII асрда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 537/1143) ва Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандий (ваф. 538/1144) Имом Мотуридий тафсирига шарҳлар ёзганлар. Бу даврда нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа ўлкаларда ҳам раъйга асосланган тафсирлар ёзила бошланган эди.

Ҳанафий-мотуридий олимлардан Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафий 461/1069 йилда Насаф шаҳрида туғилган (Bosworth G.E., 1986:969). У ёшлигидан Абул Юср Муҳаммад Паздавий, Ҳасан ибн Абдулмалик Насафий, Исмоил ибн Муҳаммад Нухий Насафий каби 40га яқин йирик олимлар, умумий ҳисобда 550га яқин устоздан сабоқ олган. Умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказган Абу Ҳафс 1113-1114 йилларда бир маротаба ҳаж зиёратига борган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Самарқандда яшагани боис, баъзан исмига «Мотуридий» нисбаси қўшиб айтилади. 537/1142-43 йилда вафот этган. У мотуридия калом мактабининг машҳур вакили ва Бурҳонуддин Марғинонийнинг устози бўлган (Bosworth G.E., 1986:969).

Кўплаб манбаларда олимнинг икки тафсир китоби – «ат-Тайсир фи-т-тафсир» («Тафсирда енгиллик») ва «ал-Акмал вал-атвал» («Энг мукамал ва энг узун») зикр қилинади. Ушбу тафсирларнинг биринчисидан маълум бир қисмини («Бақара» сурасининг 74-оятига) Яхё ибн Али Фақиҳий тадқиқ қилган. Шунингдек, Муҳаммад Сауд номидаги ислом университетида 1997 йилда тафсирнинг «Бақара» сурасига бўлган қисмлари ўрганилиб, докторлик иши химоя қилинган. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ясин эса «Воқеа» сурасидан «Мурсалот» сурасига таҳқиқ қилиб, 1989 йилда магистрлик ишини химоя қилган.

Тўрт жилддан иборат бўлган «ал-Акмал вал-атвал»нинг дастлабки қисмларини эса «ал-Азҳар» университети Усул ад-дин факультетида Сабрий Иброҳим Солим ўрганиб, докторлик ишини химоя қилган (<https://vb.tafsir.net/tafsir3937/>). Бироқ, бу икки асар ҳам чоп этилмаган. Ушбу асарнинг қўлёзмаси 262618 рақамида сақланади. У шундай бошланади:

رب تمم بالخير واستعينك ... جعل القرآن شفاء ورحمة وفضلا
... ونعمة ... قال العبد عمر بن محمد بن أحمد النسفي

«Раббим, яхшилик ила тамомла, Сендан ёрдам сўрайман... Қуръонни шифо, раҳмат, ажратувчи ва неъмат қилди ... банда Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий айтади...».

«Ат-Тайсир фи-т-тафсир» «ал-Ҳамду лиллаҳиллазий анзала ал-Қуръана шифаан...», деб бошланади. Кириш қисмида Қуръоннинг юзта номи тилга олинади, кейин тафсир ва таъвилга таъриф берилади, сўнгра оятларни тафсир қилишга киришилиб, узундан узоқ шарҳлар берилади, шу нуқтаи назардан ушбу тафсир ўз йўналишида кенг ёзилган асарлардан саналади, бошқа муфассирлар тўхталмаган назарий масалаларга тўхталинадилар, айрим жойларида форсча маънолар келтирилади. Мазкур китобдан Яъқуб Чархий ўз тафсирида, асосан, қиссаларни тафсилоти билан келтиришда фойдаланган (Яъқуб Чархий, 2010:4). Жумладан, тафсирда од, Лут қавми қиссаси, Солиҳ қавми самуд қиссаси батафсил ёритилган бўлиб, «Бу қиссани «Тайсир» отлиғ тафсирдин битдук», «Тайсир» отлиғ тафсирда келтуруп турурким» деб манбага ишора қилинган. «Ривоятда келадик, жаннатнинг мевасини узсанг, Худо таолонинг қудрати билан шу заҳоти унинг ўрнига бошқа мева чиқади». Тайсирдан ривоят қилинди» (Чархий, 1908:144). Мазкур тафсирнинг энг қадимий қўлёзма нусхаси (х.691/м.1291) Туркиянинг Анқара шаҳрида

миллий кутубхонада №А.674 рақам остида сақланади. Эронда 2 жилдда нашр қилинган.

Олимнинг «Шарҳ Таъвилот ал-Қуръон» номли тафсири ҳам борлиги айтилади. Бироқ, унинг на қўлёзлари сақланиб қолмаган. Алломанинг «ат-Тайсир фи-т-тафсир» асари 2019 йил Моҳир Адиб Ҳаббуш томонидан тадқиқ этилиб, замонавий нашри чоп этилган. Ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан «ал-Акмал вал-атвал» асари ҳам ўрганилмоқда.

Абул Қосим Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) ҳам тафсир тарихида алоҳида ўрин тутди. У оятларни тафсир қилишда луғавий жиҳатга эътибор берган. Манбаларда у ақидада мўътазилий, фикҳда ҳанафий бўлгани айтилади. Асарнинг тўлиқ номи «ал-Кашшоф ан ҳақоик ғовамиз ат-танзил ва уюн ал-ақовийл фи вужух ат-таъвил» бўлиб, муқаддимада Замахшарий унинг ёзилиш тарихини баён қилиб, шундай деган: «Ушбу тафсир Абу Бакр Сиддик розияллоху анхунинг халифалик қилган муддатларидек вақт (икки йил-у икки ой)да ёзиб тугатилди. Аслида буни тугатиш учун ўттиз йилдан кўпроқ вақт чамаланган эди. Бу ушбу Байт ал-Ҳаромнинг шарофати, қолаверса, Буюк Ҳарамнинг баракотидан менга аталган насиба туфайлидир. Аллоҳ таолодан ушбу тафсирни ёзиш туфайли менга етган чарчоқни дўзахдан нажот топишимга сабаб қилишини, сирот кўпригидан ўтишда атрофимга нур қилишини сўрайман».

Замахшарий мазкур тафсирни мўътазилий мазҳабининг ақидаси, хусусан, бешта асосга мувофиқ баён қилган. Улар: тавҳид, адл, ваъд ва ваъйд, икки манзила ўртасидаги манзила ҳамда амри маъруф ва наҳй мункардир (<http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/22267-alloma-az-zamakhsharij-va-al-kashshof-tafsiri>).

Уламолар томонидан «Кашшоф»ни мутолаа қилувчи ундаги мўътазилий фикрларга чалғиб қолмаслиги учун хошиясида иккита китоб билан бирга чоп этилиши одатга айланган. Бири Ибн Мунир Искандарийнинг «ал-Интисоф фимо тазамманах ал-Кашшоф мин ал-эътизол» (Кашшоф тафсири ўз ичига олган мўътазилий фикрларга нисбатан инсоф билан боқиш) китоби ва Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «ал-Қофий аш-шоф фи таҳриж аҳодис ал-Кашшоф» (Кашшоф тафсиридаги ҳадисларни таҳриж қилишга кифоя қилувчи) китобидир (<http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/22267-alloma-az-zamakhsharij-va-al-kashshof-tafsiri>).

Профессор Д.Махсудовнинг илмий изланишлариغا кўра, XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда яна кўплаб муфассирлар фаолият олиб борган. Улардан бири Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий Ҳаддодий (ваф. тахм. 1015-1020) Самарқанднинг машҳур қориларидан бўлган. Ҳаддод деб номланишига сабаб: бири, темирчилик касби билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, Ҳаддода қишлоғига алоқадор бўлганидир. Қуръон илмларини машҳур қори Абу Яҳё Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳайётдан йигирма йил мобайнида, Абул Қосим Муҳаммад ибн Муҳаммад Фустотий, Абу Саид Жаъфар ибн Муҳаммад Сижистоний каби қорилардан Самарқандда таълим олган. Унинг учта асари: «ал-Муваззах фи илм ат-тафсир» («Тафсир илмидаги изоҳли нарсалар»), «ал-Мадхали-илм ат-тафсир Китабиллаҳи таъала» («Аллоҳ таолонинг китобини тафсир қилиш илмига кириш»), «ал-Ғуня фи-л-қироат» («Қироатлар борасида бекам-у кўст китоб») борлиги таъкидланади (Самарқандлик, 2019:70-74).

Олимнинг «ал-Муваззах фи илм ат-тафсир» китоби 1988 йилда Дамашқдаги «Дор ал-қалам» нашриёти томонидан чоп этилган. Ушбу тафсир ихчам бўлиб, унда ғариб, яъни кам учрайдиган сўзлар ва тушунилиши қийин жумлалар шарҳланган холос. Китобнинг қўлёзма нусхаси 113 саҳифадан иборат бўлиб, унда 200та ғариб сўз ва Қуръон услублари изоҳланган, шунингдек, 225та шеър ҳам ўрин олган.

Жумладан, «ас-Саҳоиф» номли тафсир ёзгани айtilган Аҳмад ибн Умар ибн Ашъас Абу Бакр Самарқандий (ваф. 489/1069), тафсирга бағишланган «Кашф ал-асрор» номли 120 жилдлик асар муаллифи Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий (1009-1089), Тафсир ал-Қуръон» номли китоб муаллифи Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад Алоуддин Абу Абдуллоҳ Зоҳид Бухорий (ваф. 546/1151) каби 20га яқин муфассир ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган (Махсудов Д., 2019:128-136).

Тадқиқотчи, А.Абдуллаев XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми ҳақида баҳс юритиб, Абул Муин Насафий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Алоуддин Самарқандий, Маҳмуд Замахшарий каби олимларнинг тафсирларини қиёсий таҳлил қилган. Шунингдек, Алоуддин Самарқандийнинг «Шарҳ ат-Таъвилот» асари ҳақида ҳам муҳим фикрларни илгари суради.

Асарнинг ЎзРФА ШИ 3249 инвентарь ракам остида сақланадиган қўлёзмасига таяниб, алломанинг Имом Мотуридий тафсирини шарҳлашда асосан, уч хил йўналишга таянганини айтади:

- биринчиси, Мотуридийнинг фикрларини янада қувватлантиришга уриниши, бунда Самарқандий Имом Мотуридийнинг чуқур таҳлилларини янада кўпроқ изоҳлаб беради;

- иккинчиси, Мотуридий тафсирида умумий маъно берилган ҳамда қисқача сўз юритиш билан чекланилган ўринларга эътибор бериб, уларни ўз таҳлилий фикрлари билан бойитади.

Масалан:

فَلَا تَحْطُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا -

«Аллоҳга баробар, тенг қилманглар» («Бақара» сураси, 22-оят) ояти шарҳида Мотуридий *أندادا* (бирлиги *ند*) сўзини шарҳлаб, «яъни Унга тенг қилиш, ибодатда шаклларни илоҳ қилиб олиш, буларнинг маъноси бир хилдир», дейди. Алоуддин Самарқандий бу маънони бергач, яна шундай шарҳлайди: «... *ند* сўзи баъзан Унга бирор шаклни баробар қилиш маъносида келса, баъзан нарсанинг зидди маъносида ҳам келади. Бу эса 2 хил маънони билдириши эҳтимоли бор. Бири, Аллоҳдан ўзгани илоҳ деб номламаслик ва шакл қилиб олмаслик, иккинчиси, ибодат қилишда ҳақли деб, бошқа нарсани Унинг шакли демаслик» (Алоуддин Самарқандий, қўлёзма: № 3249. 40а);

- учинчиси, баъзан оят шарҳи бўйича Мотуридий фикрларига тўлиқ қўшилмаслиги ва уни аниқлаштириши:

Масалан, у:

وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ

«(Улар) сизга нозил қилинган нарсаларга имон келтирадилар» (Бақара сураси, 4) оятида Мотуридийнинг «(Нозил қилинган нарсалар) икки хил маънони бериши мумкин: биринчиси, Қуръондан нозил қилганлари, иккинчиси, Қуръонда келмаган шариат қоидалари ва ҳукмлар», деган шарҳини келтиради. Сўнг, бу фикрларни янада аниқлаштириб: «Оятнинг тўғри маъноси шуки, Аллоҳнинг бу оятдаги муроди Қуръон ва Суннатда нозил қилган ҳамма ваҳийсидир, чунки уларнинг барчаси Аллоҳ томонидан нозил этилган ваҳий ҳисобланади. Пайғамбар (с.а.в.)га нозил қилинган ваҳий 2 хил: тиловат қилинадиган ва тиловат қилинмайдиган ваҳийдир. Буларнинг барчаси Жаброил алайҳиссалом, фаришталар олиб келган ёки у зот қалбига

илҳомлантирилган ваҳийлардир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ

«(Муҳаммад) ҳавоии нафсидан гапирмайди, у (айтаётган сўзлар) ваҳийдир» (Нажм сураси, 3-оят), деган (Алоуддин Самарқандий, кўлэзма:3249).

Алоуддин Самарқандийнинг тафсиридаги услуби қуйидагиларни ўз ичига олишини айтади:

1. Аллома Қуръони каримни унинг оятлари ҳамда оят бўйича келган ривоятларни таҳлилий шарҳлашга ҳаракат қилади.

2. Ҳадислар, саҳобийлар ва тобейлардан жуда кам ривоят келтиради.

3. Қироатлар, луғавий манбалар зикр қилинмайди (А.Абдуллаев, 2023:159-164).

НАТИЖА

Мовароуннаҳрда тафсирунослик ўзига хос тарзда ривожланиб, турли даврлардаги муҳит шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда бойитиб борилган. Илк даврларда тафсир ҳадиснинг ажралмас қисми сифатида ҳадис тўпламларида зикр этилган бўлса, X асрдан бошлаб, Қуръон тўлиқ шарҳланган асарлар битилди. XI-XII асрларда Қуръонни шарҳлашда раъй-ижтиҳод кенг ўрин эгаллади.

Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Ўсмандий Самарқандий (488-552/1095-1157) йирик фақиҳ ва мутакаллим олим. Устозлари қаторида Садруш шаҳид Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (ваф. 1141), Шайхулислом Низомуддин Умар ибн Шайхулислом Бурҳониддин Али Марғилоний каби машҳур олимларни санаб ўтиш мумкин. Асарлари орасида «ал-Амолий фи-т-тафсир» («Тафсир илмида имло қилинганлар»), «Лубоб ал-калом» («Калом илмининг жавҳари») сингари ўндан зиёд китоблар санаб ўтилади (Зиёдов Ш., Маҳмудов Қ., 2019:111-119).

Абул Қутн Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий (ваф. 556/1161) тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари олими. Самарқанд, Бағдод, Марв, Макка, Мадина шаҳарларида илм ўрганган. Олим ва имомлар ҳақида танқидий фикр билдиргани сабабли ҳисбга олинган ва шу ерда вафот этган. Унинг «ал-Аҳком фи-т-тафсир» («Тафсирдаги ҳукмлар»), «ал-Мултақот фил-фикҳ» («Фикҳда учрайдиган масалалар»), «Жоме ал-фатово» («Фатволар тўплами»), «ал-Фикҳ ан-нофе»

(«Фойдали фикҳ») сингари ўнлаб асарлар мавжуд (Самарқандий, 2000:126).

Бундан ташқари, Абу Ризо Муҳаммад ибн Али Насафий (ваф. 517/1123-24 й.) муфассир олим сифатида зикр қилинган. Унинг «Тафсир ан-Нўъмон» («Нўъмоннинг тафсири»), «Тафсир ат-тибён» («Баён этувчи тафсир»), «ал-Итқон» («Моҳирлик») каби асарлари машҳурдир. Мазкур тафсир китобларининг кўлэзма нусхалари дунё кутубхона фондларида, жумладан, ЎзРФА ШИ Кўлэзмалар асосий фондида ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланмоқда.

ХУЛОСА

Мазкур даврда Алоуддин Самарқандийнинг фаолияти тафсир соҳасида ўз ўрнига эга. Аллома ўз асарларида Қуръон оятларини шарҳлашда манбаларга асосланиши, ақидавий масалаларга ёндашувда эҳтиёткорлик, ҳанафий мазҳабини ҳимоя қилишда нақлга аҳамият қаратиши, фирқа ва оқимларга раддия бериш каби жихатлар Мовароуннаҳрда Қуръонни тўғри тушуниш ва талқин этиш бўйича дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Алоуддин Самарқандийнинг «Шарҳ ат-Таъвилот» асари мазкур давр тафсир тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этувчи манбалардан ҳисобланади. У устози Абул Муин Насафий йўлидан бориб, Мотуридийнинг тафсирини шарҳлашга катта эътибор қаратди. Тафсирида Мотуридийнинг сўзларини шарҳлаш билан бир қаторда, ўз фикрларини ҳам баён этди.

Асар ёзилиши бевосита «Таъвилот ал-Қуръон»нинг услубига ўхшаш. Оятлар олдида «кавлуху», деган ибора қўйиб, сўнг уни батафсил шарҳлайди. Ушбу услуб асосан ҳошиялар ёзишда кўзга ташланади.

Тафсирнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ҳар бир оят тўлалигича тафсир қилинмасдан, балки фақат тафсир қилинишга муҳтож бўлган ибораларга маъно ёзилади.

Хулоса қилиб айтганда, XI-XII асрларда раъй билан тафсир қилиш муфассирнинг фикри Қуръон, суннатга, саҳобийларнинг сўзларига хилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Умуман олганда, XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми ривожланиб, ҳанафий мазҳаби асосида таълиф этилган бўлса, мотуридий уламолари адашган оқимларга раддия бўлиши ва Қуръон

оятларини таъвил этиш жараёнида ақидавий оятларни шарҳлашга алоҳида эътибор қаратган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Давидович Е.А. (1968). О двух Караханидских каганатах // Народы Азии и Африки. Москва: Наука.
2. Комилов М. (2026). Мовароуннахрда фикҳ илмининг ривож ва фақиҳ Алоуддин Самарқандий. Тошкент: Истиқлол нашриёти, 2006.
3. Оқилов С. (2003). Абул Муъийн ан-Насафий ва унинг Мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (Табсиратул-адилла асари асосида). Дис... автореферат т.ф.н. Тошкент: Тошкент ислом университети.
4. Алоуддин Самарқандий. Шарҳ ат-таъвилот. Қўлёзма. – Тошкент. ЎзРФА ШИ Қўлёмалар асосий фонди. № 3249. – Б. 1в.
5. Bosworth G.E., Van Donzel E., Heirichs W.P., Peellat Ch. (1986). Encyclopedie de l'Islam. Vol. 7. Paris: G.P. Maisonneuve & La Irose S.A.
6. Зиёдов Ш., Маҳмудов Қ. (2019). Самарқандлик алломалар. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти.
7. Махсудов Д. (2019). Мовароуннахр ҳанафий мазҳаби тафсилларининг қиёсий таҳлили (XIII-XV асрлар). Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.
8. Абдуллаев А. (2023). Мовароуннахр тафсир илми тараққиёти (XI-XII асрлар). Тошкент: Bookmany print.
9. Носируддин Самарқандий. (2000). Ал-Фикҳун нофиъ. ар-Риёд: Мактабат ал-абикон.
10. maqolalar/item/22267-alloma-az-zamakhsharij-va-al-kashshof-tafsiri.
11. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Университет, 1997.
7. Makhsudov, D. (2019). Movarounnahr hanafiy mazhabi tafsirlarining qiyosiy tahlili (XIII-XV asrlar). Tashkent: Uzbekistan International Islamic Academy Publishing.
8. Abdullaev, A. (2023). Movarounnahr tafsir ilmi taraqqiyoti (XI-XII asrlar). Tashkent: Bookmany Print.
9. Nasiruddin Samarqandi. (2000). Al-Fiqh al-Nafi. Riyadh: Maktabat al-Ubaikan.
10. "Alloma az-Zamakhshariy va al-Kashshof tafsiri." Retrieved from [http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/22267-alloma-az-zamakhsharij-va-al-kashshof-tafsiri].
11. O'zbekiston tarixi. Tashkent: Universitet, 1997.

REFERENCES

1. Davidovich, E. A. (1968). "O dvukh Karakhanidskikh kaganatakh." Narody Azii i Afriki. Moscow: Nauka.
2. Komilov, M. (2006). Movarounnahrda fiqh ilmining rivoji va faqih Alouddin Samarqandiy. Tashkent: Istiqlol Publishing, pp. 25-26.
3. Okilov, S. (2003). Abul Muin an-Nasafiy va uning Maturidiyya ta'limoti rivojiga qo'shgan hissasi (Tabsiratul-adilla asari asosida). Dissertation abstract, Tashkent: Tashkent Islamic University.
4. Alauddin Samarqandi. Sharh at-Ta'wilat. Manuscript. Tashkent: Uzbek Academy of Sciences, Manuscript Fund, No. 3249.
5. Bosworth, G. E., Van Donzel, E., Heirichs, W. P., & Peellat, Ch. (1986). Encyclopedie de l'Islam (Vol. 7). Paris: G.P. Maisonneuve & La Rose S.A.
6. Ziyodov, Sh., & Mahmudov, Q. (2019). Samarqandlik allomalar. Samarkand: Imam Bukhari International Center Publishing House.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.